



“ 10 ” март 2020у № 1

Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни барча ахборот, такдимот ва бошқа фаолиятида асосий идентификатор сифатида ишлатиладиган шиор ва логотипни ишлаб чиқиш бўйича танлов низомларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5655-сон фармонига мувофиқ аҳолини рўйхатга олишни ўтказишда барча ахборот, такдимот ва бошқа фаолиятида асосий идентификатор сифатида ишлатиладиган шиор ва логотипни ишлаб чиқиш бўйича танлов ўтказиш мақсадида:

1. “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш шиорини ишлаб чиқиш бўйича танлов низоми” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш логотипини ишлаб чиқиш бўйича танлов низоми” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Танловни Низом талаблари асосида ўтказилишини таъминлаш мақсадида танлов Ишчи гуруҳи таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ишчи гуруҳи:

танловни адолатли ва сифатли ўтказиш чоралари кўрсин;

танлов шартларини Қўмитанинг www.stat.uz расмий веб-сайтида эълон қилсин;

такдим этилган таклифларни Низом талаблари асосида кўриб чиқсин ва ғолибни аниқласин;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ғолибларни мукофотлаш чораларини кўрсин.

5. Ушбу фармойиш ижросини назорат қилиш раис ўринбосари М.Зиядуллаев зиммасига юклатилсин.

Раис

Б. Бегалов